

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил август ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: туман судининг раиси У.Шералиев, судья ёрдамчиси Ф.Бегалиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Балиқчи туман прокурорининг ёрдамчиси Р.Каримов, судланувчи Х.Ахмедов ва унинг ҳимоячиси “RLS-“ROYAL LEGAL SUPPORT”” адвокатлик бюроси адвокати Х.Обидов, судланувчи М.Зокирова ва унинг ҳимоячиси “DILEMMA-EFFЕКТ” адвокатлик бюроси адвокати М.Юнусов, фуқаровий даъвогар Т.Ўлдашевнинг иштирокида, Ахмедов Хайитбек Хайрулло ўғли ва Зокирова Махлиёхон Улугбек қизларига нисбатан тўпланган 1-1012-2506/255-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Ахмедов Хайитбек Хайрулло ўғли (Axmedov Hayitbek Hayrullo o`g`li), 2001 йил 6 мартда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, муқаддам:

1. Жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2023 йил 6 январдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

2. Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2023 йил 11 сентябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида 8 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатининг 2023 йил 28 ноябрдаги ажримига кўра туман судининг ҳукми ўзгартирилиб, ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва

61-моддаси тартибида 3 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг 2024 йил 15 мартдаги ажримига кўра ўталмаган 1 йил 6 ой 2 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖК 74-моддаси 3-қисмининг “в” бандига асосан иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадлари ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2024 йил 24 декабрдаги ажримига кўра ўталмай қолган 1 йил 2 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ЖК 46-моддасининг 4-қисмига асосан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси алмаштирилиб, унга нисбатан қидирув эълон қилинган, 2024 йил 10 декабрда қидирувдан ушланган, ҳозирда жазони ўтамоқда, Андижон шаҳри, Ўзгариш МФЙ, М.Азам кўчаси, 21-уйда яшаган, иш бўйича қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2024 йил 10 декабрдан қамокда, айблов хулосалари нусхаларини 2025 йил 16 апрель ва 20 май кунлари олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси, 189-моддасининг 1-қисми, 184-моддасининг 3-қисми, 228-моддасининг 3-қисми ва 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 184-моддасининг 3-қисми ва 189-моддасининг 1-қисми билан айбланган;



Зокирова Махлиёхон Улугбек қизи (Zokirova Maxliyoхon Ulugbek qizi), 1990 йил 6 август куни Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, “O’zMilliybank” АЖ “Андижон амалиёт” банк хизматлар маркази, “Бизнес мижозлар билан ишлаш гуруҳи, бизнес мижозларга хизматлар кўрсатиш бўлими” бош мутахассиси, муқаддам судланмаган, Андижон вилояти, Андижон шаҳри, 2-митти туман, 52-уй,

15-хонадонда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 16 апрель куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчилар фуқоровий даъвогар ва гувоҳларни кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Х.Ахмедов Тошкент шаҳар, Янгиҳаёт туманидан рўйхатдан ўтказилган “Boynusun Stroy” МЧЖнинг норасмий раҳбари сифатида мазкур жамият раҳбари (*жиноят ишининг унга оид қисми алоҳида иш юритувга ажратилиб қидирув эълон қилинган*) бошқа шахс билан ўзаро тил бириктириб, бир гуруҳ шахс бўлишиб, жамият томонидан 2024 йилдаги фаолияти давомида 4.518.308.475,2 сўмлик қурилиш маҳсулотларини, “Qarshi-Stroy Market” МЧЖ (*жиноят ишининг уларга оид қисми алоҳида иш юритувга ажратилган*) мансабдор шахслар ва бошқалар билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан жиноий тил бириктириб, жамият фаолиятини норасмий бошқариб келиб, 2021-2024 йилларда 5.455.220.090 сўмлик қурилиш маҳсулотларини, “Yevro Qurilish Palace” МЧЖ мансабдор шахслари билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан жиноий тил бириктириб, жамият фаолиятини норасмий бошқариб келиб, 2024 йилда 969.575.099 сўмлик турли маҳсулотларни ҳамда “Zamin Qurilish Resort” МЧЖ мансабдор шахслари билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан жиноий тил бириктириб, жамият фаолиятини норасмий бошқариб келиб, 2024 йилда 3.770.664.707 сўмлик турли маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 09 августдаги “Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1504-сонли Фармонининг “Корхоналар тушган нақд маблағларни ҳар куни банк муассасаларига топширишлари шартлиги, ушбу талабни бузиш тушумни яшириш деб баҳоланиши ва айбдорларга нисбатан амалдаги қонунларга мувофиқ жазо чоралари қўлланилиши” ҳақидаги талабларига зид равишда, тергов ва судда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга нақд пулга сотиб юбориб, товар моддий бойликларни реализациясидан тушган нақд пул тушумларини белгиланган тартибда ваколатли банк муассасасига инкассация қилмасдан, пулларни нақдлаштиришиб, товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузишган.

Бундан ташқари, Х.Ахмедов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, “Boynusun Stroy” МЧЖ норасмий раҳбари сифатида фаолият юритиб,



жамият раҳбари (*жиноят ишининг унга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилиб қидирув эълон қилинган*) бошқа шахс билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, даромадларни солиқлардан озод қилиш ва мулкый манфаат кўриш мақсадида, жамият томонидан 2024 йилдаги фаолияти давомида 4.518.308.475,2 сўмлик қурилиш маҳсулотларини чек ёки квитанция қўлламаган ҳолда нақд пулга сотиб юборишиб, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдорда бузишган ҳолда ушбу савдо тушумини ҳисоботларда акс эттирмаслик орқали 542.197.017 сўмлик қўшилган қиймат солиғини, шунингдек, жамиятга кирим қилинмаган 2.444.005.492 сўмлик қурилиш маҳсулотларини реализация қилиб, ушбу реализацияни солиқ ҳисоботларида акс эттирмасдан яширишганлиги оқибатида, жами 366.600.823 сўмлик фойда солиғини, умумий ҳолатда 908.797.840 сўмлик жуда кўп миқдордаги турли солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Шунингдек, Х.Ахмедов Янгиҳаёт тумани, “Файзли” МФЙ, “Райхон” кўчасида рўйхатдан ўтган “Qarshi-Stroy Market” МЧЖ норасмий бошқариб ҳамда МЧЖ раҳбари (*жиноят ишининг уларга оид қисми алоҳида иш юритувга ажратилган*) бошқа шахслари ва бошқалар 2021-2024 йилларда 5.455.220.090 сўмлик қурилиш маҳсулотларини чек ёки квитанция қўлламаган ҳолда нақд пулга сотиб юборишиб, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдорда бузишган ҳолда ушбу савдо тушумини ҳисоботларда акс эттирмаслик орқали 654.626.410 сўмлик қўшилган қиймат солиғини, шунингдек, жамиятга кирим қилинмаган 11.226.119.965 сўмлик қурилиш маҳсулотларини реализация қилиб, ушбу реализацияни солиқ ҳисоботларида акс эттирмасдан яширишганлиги оқибатида, жами 1.683.917.994 сўмлик фойда солиғини, умумий ҳолатда 2.338.544.404 сўмлик жуда кўп миқдордаги турли солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлашган.

Бундан ташқари, Х.Ахмедов 2020 йил 10 октябрда Янгиҳаёт тумани, “Файзли” МФЙ, “Райхон” кўчасида рўйхатдан ўтган “Yevro Qurilish Palace” МЧЖ норасмий бошқариб, МЧЖ раҳбари (*жиноят ишининг уларга оид қисми алоҳида иш юритувга ажратилган*) бошқа шахслари билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан жиноий тил бириктириб, жамият фаолиятини норасмий бошқариб келиб, фаолияти давомида 969.575.099 сўмлик турли маҳсулотларни чек ёки квитанция қўлламаган ҳолда нақд пулга сотиб юборишиб, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдорда бузишган ҳолда ушбу савдо тушумини ҳисоботларда акс эттирмаслик орқали 116.349.011 сўмлик қўшилган қиймат солиғини, жамиятга кирим қилинмаган 897.996.151 сўмлик турли маҳсулотларни реализация қилиб, ушбу реализацияни солиқ ҳисоботларида акс эттирмасдан яширишганлиги оқибатида, 134.699.422 сўмлик фойда солиғини, умумий ҳолатда жами 261.549.502 сўмлик жуда кўп миқдорда солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлашган.

Шунингдек, Х.Ахмедов жиноий фаолиятини давом эттириб, 2021 йил 27 мартда Янгиҳаёт тумани, “Файзли” МФЙ, “Райхон” кўчасида рўйхатдан ўтган “Zamin Qurilish Resort” МЧЖ норасмий бошқариб ҳамда МЧЖ раҳбари (*жиноят ишининг уларга оид қисми алоҳида иш юритувга ажратилган*) бошқа шахслар билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан жиноий тил бириктириб, жамият фаолиятини норасмий бошқариб келиб, 2024 йилда 3.770.664.707 сўмлик турли маҳсулотларни чек ёки квитанция қўлламаган ҳолда нақд пулга сотиб



юборишиб, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдорда бузишган ҳолда ушбу савдо тушумини ҳисоботларда акс эттирмаслик орқали 452.479.764 сўмлик қўшилган қиймат солиғини тўлашдан қасддан бўйин товлашган.

Бундан ташқари, Х.Ахмедов "Best City 1111" МЧЖнинг норасмий раҳбари бўлган ҳолда, жамият раҳбари (*шу судининг хукми билан судланган*) А.Ўктамов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, 2024 йил май-июнь ойларида умумий қиймати 49.979.650.500 сўмлик маҳсулотлар олди-сотдисини амалга ошириб, солиқ органларига харид қилинган маҳсулотлардан, 269 хил турдаги, жуда кўп миқдорни ташкил этувчи қиймати 21.461.342.500 сўмлик маҳсулотларлар жамиятга тегишли бўлган омборда сақланаётганлиги тўғрисида сохта маълумотлар тақдим этиб, маҳсулотларни чиқим ҳужжатларисиз нақд пулга реализация қилиб, фасддан жуда кўп миқдордаги қийматда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган.

Шунингдек, Х.Ахмедов "Best City 1111" МЧЖнинг норасмий раҳбари бўлган ҳолда, мулкый манфаат кўриш, яъни мажбурий солиқ тўловларини тўламаслик мақсадида, жамият раҳбари (*шу судининг хукми билан судланган*) А.Ўктамов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, Андижон вилояти, Балиқчи туманида рўйхатдан ўтган "Best City 1111" МЧЖни 2024 йил 22 майда жиноий шериги А.Ўктамовнинг номига қайта расмийлаштириб, жамият фаолиятини норасмий равишда ўзи юритиб келиб, фойда ва солиқ солинадиган бошқа объектлар тўғрисида Андижон вилояти Балиқчи тумани солиқ инспекцияси ва Андижон вилояти солиқ бошқармасига қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисоботларни топшириш мажбуриятини билган ҳолда, ғаразғўйлик ва бошқа паст ниятларда жамиятнинг фойда (даромад) ва солиқ солинадиган бошқа объектларини қасддан яшириш йўли билан, 2024 йил май-июнь ойларида чиқим ҳужжатлари расмийлаштирилмаган 269 хил турдаги умумий қиймати 21.461.342.500 сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотиб юбориб, ушбу товар айланмасини ҳисоботларда камайтириб кўрсатиш йўли билан 2.575.361.100 сўм миқдордаги қўшилган қиймат солиғини, 110 хил турдаги умумий қиймати 4.147.710.700 сўмлик кирим ҳужжатлари тегишли тартибда расмийлаштирилмаган маҳсулотларни реализациясини амалга ошириб, 622.156.600 сўм фойда солиғини ҳамда 623 хил турдаги умумий қиймати 16.594.016 сўмлик кирим ҳужжатлари расмийлаштирилган маҳсулотларнинг реализациясидан олинган 2.489.104.400 сўмлик фойда солиғини, жами бўлиб 5.686.622.100 сўмлик мажбурий солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар билан шартномавий ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш, банк ҳисоб варағи бўйича операцияларни бажариш ҳуқуқини берувчи юридик шахсни ташкил этиш мақсадида, муқаддам "Best City 1111" МЧЖни тузиш давомида А.Ўктамовнинг шахсига оид маълумотлари (паспорт нусхаси) ҳамда электрон рақамли имзосини қўлга киритганидан фойдаланиб, А.Ўктамовнинг розилигини олмасдан, Ўзбекистон Республикаси ягона интерактив давлат хизматлари порталининг, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш модули орқали, 2024 йил 29 май куни 2475941-сон реестр рақами билан А.Ўктамов номидан "IMO-CHANGE" масъулияти чекланган жамиятни таъсис этган.



Бундан ташқари, Х.Ахмедов А.Ўктамовнинг номига таъсис этган "IMO-CHANGE" масъулияти чекланган жамият учун банк ҳисоб варағини очиш ва мазкур ҳисоб варағига келиб тушган пул маблағлари бўйича операцияларни амалга ошириш мақсадида, "O'zMilliybank" АЖ "Андижон амалиёт" банк хизматлар маркази, "Бизнес мижозлар билан ишлаш гуруҳи, бизнес мижозларга хизматлар кўрсатиш бўлими" етакчи мутахассиси лавозимида фаолият олиб борган М.Зокирова билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, фуқаро А.Ўктамов номидан таъсис этган "IMO-CHANGE" МЧЖ учун "O'zMilliybank" АЖ "Андижон амалиёт" банк хизматлар марказидан банк ҳисобварақларини очиш учун талаб этиладиган А.Ўктамовнинг номидан расмийлаштирилган "O'zMilliybank" АЖда комплекс хизмат кўрсатишга оммавий оферта шартномаси аксепти тўғрисидаги 2024 йил 29 майдаги ариза ҳамда "IMO-CHANGE МЧЖнинг "Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча" номли ҳужжатлардаги А.Ўктамовнинг имзосини қалбакилаштириб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 4 январь кунги "Банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги 30/18-сонли Қарори билан тасдиқланган йўриқноманинг 3-боб, 30 бандида қайд этилган талабларга зид равишда, банк ҳисоб варағини очишга эришишган.

Судланувчи Х.Ахмедов суд мажлисида айбига қисман иқдорлик билдириб, "BOYNUSUN STROY" МЧЖни норасмий раҳбари бўлгани, ушбу жамият 2024 йилнинг июнь-июль ойларида фаолият кўрсатгани, фаолиятининг асосий тури қурилиш материаллари савдоси билан шуғулланиш бўлгани, 2024 йилнинг март ойида Тошкент шаҳрида банкка борган вақтида шу ерда Дилшод исмли шахс билан экспорт-импорт масаласи бўйича танишиб қолгани, бироқ унинг яшаш манзили, иш жойи ва фамилиясини билмаслигини, шундан сўнг 1 ой ўтгандан кейин Дилшод билан Тошкент шаҳрида кўришиб, ундан экспорт-импорт билан шуғулланадиган, лекин фаолият юритмаётган сотиладиган МЧЖлар борлигини сўрагани, Дилшод унга Қашқадарё вилоятида яшовчи М.Назаровда ушбу МЧЖлар борлигини айтиб, М.Назаровни телефон номерини бергани, эртаси куни М.Назаровга қўнғироқ қилиб, МЧЖ бўйича суҳбатлашгани, М.Назаров унинг номида бўлган экспорт-импорт билан шуғулланидан МЧЖ борлигини ва сотиши мумкинлигини айтгани, шундан сўнг М.Назаров билан Тошкент шаҳрида кўришиб, МЧЖларни сотиб олиш бўйича гаплашиб олгани, кейин 2024 йилнинг май ойида Қашқадарё вилояти, Дехқонобод туманига бориб, М.Назаров билан кўришганлигини, ундан "BOYNUSUN STAR" МЧЖ сотиб олганлигини ва у билан бирга Давлат хизматлар маркази Дехқонобод тумани филиалига бирга бориб, М.Назаровни номида бўлган "BOYNUSUN STAR" (СТИР: 307228833) МЧЖни ўзининг номимга ўтказиб олгани ва М.Назаровга мазкур МЧЖ учун 500 АҚШ доллар берганлигини, кейин у билан "Агробанк" АТБ Дехқонобод филиалига бориб, банк ходимларига ўзини паспорт гувоҳномасини, МЧЖ уставини тақдим қилиб, ўзини имзо намуналарини банкка топширгани, шундан сўнг, Андижон вилоятига қайтиб кетгани, бошқа М.Назаров билан учрашмагани, орадан бир оз вақт ўтиб, ўзига 2021 йилдан бери таниш бўлган Ш.Хумойиддин билан кўришиб қолгани ва унга ўзини номида бўлган "BOYNUSUN STAR" МЧЖни вақтинчалик уни номига ўтказиб туриш бўйича илтимос қилганлигини, сабаби



уни номида бошқа МЧЖлар ҳам борлиги ва уларнинг солиқдан қарзи борлиги учун сотишда муаммо бўлмаслиги учун айтганлигини, Х.Шокиров бунга рози бўлганлиги сабабли улар Давлат хизматлари маркази Андижон шаҳри филиалига бориб, “BOYNUSUN STAR” МЧЖни Х.Шокировни номига расмийлаштириб, МЧЖни номини “BOYNUSUN STAR”дан “BOYNUSUN STROY”га ўзгартиришгани, шундан сўнг, орадан бир кун ўтиб, у билан бирга Тошкент шаҳрига келиб, “Капиталбанк” Чорсу филиалига бориб, “BOYNUSUN STROY” МЧЖнинг иккиламчи ҳисоб рақамини очишгани ва Андижон вилоятига қайтиб кетишгани, 2024 йилнинг ноябрь ойидан “BOYNUSUN STROY” МЧЖни Х.Шокиржонов номидан ўзини номига қайтадан ўтказиб олгани, ҳақиқатда эса Х.Шокиржоновнинг “BOYNUSUN STROY” МЧЖ фаолияти юзасидан хабари бўлмагани, уни алдаганлигини, МЧЖ фаолиятида ва сотиб юборилиши ҳолатида Х.Шокиржонов бирон-бир моддий манфаатдор бўлмагани, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Янгиҳаёт тумани бўлими томонидан текширишда аниқланган, 2020 йил 12 мартда Янгиҳаёт тумани, “Файзли” МФЙ, “Райхон” кўчаси, F03-1135-уй юридик манзили бўйича давлат рўйхатидан ўтган “Boynusun Stroy” МЧЖ, Янгиҳаёт тумани, “Файзли” МФЙ, “Райхон” кўчаси, E02-1134-уй юридик манзили бўйича давлат рўйхатидан ўтган “Qarshi-Stroy Market” МЧЖ, 2020 йил 10 октябрда Янгиҳаёт тумани, “Файзли” МФЙ, “Райхон” кўчаси, F03-1135-уй юридик манзили бўйича давлат рўйхатидан ўтган “Yevro Qurilish Palace” МЧЖ ва 2021 йил 27 мартда Янгиҳаёт тумани, “Файзли” МФЙ, “Райхон” кўчаси, F03-1135-уй юридик манзили бўйича давлат рўйхатидан ўтган “Zamin Qurilish Resort” МЧЖлар ҳақиқатдан унга тегишли бўлганлигини, ушбу МЧЖларда норасмий раҳбар бўлгани, бироқ ушбу МЧЖлар фаолиятида аниқланган солиқ қарздорлиги бўйича, пул маблағларини кирим-чиқими ҳамда кимлар билан алоқада бўлганлиги ҳолати юзасидан кўрсатма беришдан бош тортишини, ҳақиқатдан ҳам Х.Шокиржоновнинг кўрсатмалари тўғрилигини, “BOYNUSUN STROY” МЧЖ фаолияти юзасидан унинг хабари бўлмагани, уни алдагани, МЧЖ фаолиятида ва сотиб юборилиши ҳолатида Х.Шокиржонов бирон-бир моддий манфаатдор бўлмагани, бундан ташқари, 2024 йил май ойида унга олдиндан таниш бўлган А.Ўктамовнинг номига “Best city 1111” МЧЖни таъсис этгани, “Best city 1111” МЧЖни таъсис этилиш жараёнида, у шахсан ўзи Андижон шаҳар ДХМга бориб, белгиланган тартибда навбат олгани, сўнг уни навбати келгач, унга олдиндан нотаниш бўлган кейинчалик билиши бўйича Абдулло қўлига “Best city 1111” МЧЖнинг ҳужжатларини бериб, ҳозир жамият директорини келишини ҳужжатларга имзо қўйишини айтиб чиқиб кетганлигини, кейин А.Ўктамов ва Абдуллоларнинг олдига бориб, “Best city 1111” МЧЖни ягона таъсисчилиги ва раҳбарлигига қайта рўйхатга ўтказганлигини, Андижон шаҳар давлат хизматлар маркази ходими А.Баходиров у таъсис этаётган жамиятларни қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнини тезлаштириб бермаганлигини, барчаси ўз вақти соати билан бўлишлигини ва ушбу иш учун А.Баходировни моддий манфаатдор қилмагани, А.Ўктамовга жами 100 АҚШ доллари ва 500 минг сўм миқдоридаги пул маблағлари қарз сифатида бергани, шу билан бирга “Best city 1111” МЧЖнинг ҳисоб рақами Департамент томонидан музлатиб қўйилганида, А.Ўктамовнинг пластик картасига 3.000.000 сўм миқдорида пул маблағлари ўтказиб, Туркия



давлатига чиқиб кетишини сўраганлигини, А.Ўктамов қамалиб кетишини хоҳламаганлигини, А.Ўктамов “Best city 1111” МЧЖ директори бўлгани учун моддий манфаатдор қилмагани, “Imo-Change” МЧЖни 2024 йил май ойларида онлайн равишда таниши А.Ўктамов номига, А.Ўктамовнинг электрон рақамли имзоси ёрдамида таъсис этганлигини, мазкур жамият таъсис этилиши жараёнида ўзидан бошқа ҳеч ким иштирок этамаганлигини, мазкур жамиятни таъсис этишдан мақсади тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўлгани, “Imo-Change” МЧЖ таъсис этилишидан, жамият ягона раҳбари ва таъсисчиси деб қайд қилинган фуқаро А.Ўктамовнинг хабари бўлмагани, ўзи А.Ўктамовнинг электрон рақамли имзоси орқали таъсис этганлигини, 2024 йил май ойларида А.Ўктамовнинг номига давлат хизматлари маркази орқали “Best City 1111” МЧЖни таъсис этганлигини, ўша вақтда А.Ўктамов унга жисмоний шахс электрон рақамли имзосини бергани, ҳозирги кунда айнан қайси портал орқали ва қандай онлайн равишда жамият таъсис этгани ёдида йўқлигини, лекин ушбу жамият таъсис этилишида жисмоний шахс электрон рақамли имзо керак бўлишини, А.Ўктамовнинг ЭРИ калитидан фойдаланиб, мазкур жамиятни таъсис этганлигини, “Imo-Change” МЧЖ ҳисоб рақами 2024 йил май ойларида Андижон вилояти Миллий банк филиали томонидан очилганлигини, мазкур жамият учун ҳисоб рақам очилиши жараёнида шахсан ўзи иштирок этганлигини, яъни банк офисига ўзи борганлигини, “Imo-Change” МЧЖга ҳисоб рақами очилиш жараёнида банк ходимига жамият раҳбари А.Ўктамовнинг фуқаролик паспортини нусхасини тақдим этгани, банк ходими томонидан уни шахсига аниқлик киритилган-киритилмагани ёдида йўқлигини, шахсан ўзи А.Ўктамовнинг номидан банкка бориб, “Imo-Change” МЧЖ учун ҳисоб рақами очтиргани, “Imo-Change” МЧЖ ҳисоб рақами очилиш жараёнида имзо намунаси бланкаси, ҳисоб рақам очиш учун ариза ва бошқа ҳужжатлардаги А.Ўктамов номидан қўйилган имзолар, аслида у томонидан бажарилганлигини, М.Зокирова ушбу ҳужжатлардаги имзоларни биометрик паспорт билан текшириб олган-олмаганини билмаслигини, “Imo-Change” МЧЖнинг ҳисоб рақами очилиши жараёнида, ҳисоб рақам очилиши зарур бўлган ҳужжатлар учун жамият раҳбари А.Ўктамов номидан имзо у томонидан бажарилгани, М.Зокировани моддий манфаатдор қилмагани, “Imo-Change” МЧЖга ҳисоб рақам очиш учун банкка борган вақтида мазкур жамият раҳбари А.Ўктамов сифатида борганлигини ва М.Зокирова аслида у А.Ўктамов эмас, бошқа фуқаро эканлигини билмагани, 94-920-00-31 рақамли уяли алоқа воситасидан у фойдаланиб келгани ва “Imo-Change” МЧЖнинг ҳисоб рақам очилиш жараёнида ушбу рақамини кўрсатгани, ушбу рақамни 2024 йил апрель ойларида уни акаси Х.Ахмедов номига уни илтимосига кўра расмийлаштирилгани, “Imo-Change” МЧЖнинг ҳисоб рақамида пул маблағлари айланмалари бўлганлигини, лекин унча кўп миқдорда ҳисоб рақамда пул айланмаганлигини, ҳозир айнан қанча миқдорда пул маблағлари айланма бўлганлигини билмаслигини, “Best City 1111” МЧЖ таъсис этилиши ва унинг фаолияти бўйича нималарни айта-олиши, “Best City 1111” МЧЖни айнан кимдан ва қанча миқдорда харид қилгани, Андижон шаҳар давлат хизматлар марказида бирон бир таниши бор-йўқлиги у норасмий бошқариб келган “Best City 1111” МЧЖ қандай турдаги фаолият билан шуғулланиб келганлигини, “Best City 1111” МЧЖ ҳақиқатда озиқ овқат маҳсулотларини олди-сотидиси



билан шуғулланиб келган-келмагани агар шуғулланиб келган бўлса, жамиятнинг омборхонаси қаерда бўлгани, у ҳаёти давомида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган-шуғулланмагани, чакана ва улгуржи савдо билан шуғулланиш учун ўзида ёки (ва) “Best city 1111” МЧЖда дўкон мавжуд-мавжуд эмаслиги, “Best City 1111” МЧЖнинг фаолиятида унинг вазифаси нимадан иборат бўлгани, “Best City 1111” МЧЖнинг контрагентлари билан қандай тартибда шартномалар тузилгани улар билан айнан қандай кўришида фаолият олиб борилгани, “Best City 1111” МЧЖнинг контрагентларига ҳақиқатда озиқ овқат маҳсулотлари етказиб берилган-берилмагани, “Best City 1111” МЧЖнинг бошқа жамиятлардан харид қилиб олган озиқ овқат маҳсулотларини қандай тартибда реализация қилгани, “Best City 1111” МЧЖнинг балансида кирими мавжуд бўлмагани, озиқ-овқат маҳсулотларини ҳақиқатда сотган-сотмагани, тузилган шартномалар бўйича кимлар билан ўзаро келишувлар амалга оширгани, шартномаларда қайд қилинган озиқ овқат маҳсулотларини қаердан харид қилгани ва контрагентларга қандай йўл билан етказгани, у норасмий бошқариб келган “Best City 1111” МЧЖнинг солиқ ҳисоботлари ким томонидан тайёрланиб, солиқ органларига ким томонидан топширилгани каби саволларга, Ўзбекистон Республикаси жинойят процессуал кодексининг 46-моддасида қайд қилинган айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда кўрсатма беришдан бош тортганлигини баён қилган, ҳозирда ушбу содир этган ноқонуний қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олгани, ўзига нисбатан қонуний енгиллик берилишини сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи М.Зокирова суд мажлисида, айбига қисман иқрорлик билдириб, Андижон вилояти “Узмиллийбанк” АЖ бош бошқармаси БХМда турли лавозимларда 2024 йил 14 июлдан бошлаб ҳозирга қадар кредит портфели бўлими бош мутахассиси лавозимида фаолият юритиб келаётгани, 2023 йил 20 октябрь кунидан 2024 йил 14 июль кунига қадар бизнес мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими етакчи мутахассиси лавозимида фаолият юритиб келгани, унинг ушбу лавозимдаги хизмат вазифалари, банк учун янги мижозлар жалб қилишдан иборат бўлгани, етакчи мутахассис бўлиб фаолият юритганида банк учун янги мижозлар жалб қилиш қуйидагича амалга оширилгани, улар давлат хизматлар марказига бориб, у ерда янги жамият давлат рўйхатидан ўтказган фуқаролар билан гаплашиб, уларга банкнинг афзалликлари ва қулайликлари ҳақида маълумот беришгани, янги мижозлар рози бўлган тақдирда банк офисига келиб, янги тадбиркорлик субъектлари учун ҳисоб рақам очишгани, ушбу жараёнда унинг вазифаси банк учун янги мижоз топиб, ҳисоб рақам очиб беришдан иборат бўлгани, мижозга ҳисоб рақам очилишини ҳам ўзи амалга оширишини, фаолият юритиб келган банкда ҳисоб рақам очиш қуйидагича амалга оширилишини, мижоз томонидан жамиятнинг гувоҳномаси, жамият устави, жамият директорининг фуқаролик паспорт асл нусхаси, жамият муҳри талаб этилишини, сўнг уларнинг банки томонидан мижозга ариза нусхаси ҳамда имзо ва муҳр намуналарини олиш учун маҳсус бланка топширилишини ва улар ҳам шахсан мижознинг ўзи томонидан тўлдирилишини, ҳисоб рақами очилиши жараёнида жамият раҳбари ўзининг фуқаролик паспорти билан келиши талаб этилишлигини, имзо ва муҳр намуналари қўйиш жараёнида жамият раҳбарини имзоси уни паспортидаги



имзоси билан солиштириб кўрилишини, юридик шахс учун ҳисоб рақам очиш жараёнида, жамиятнинг раҳбарини иштирокисиз ҳисоб рақам очилмаслигини, банк бош бухгалтер А.Қурбонов ҳам бунга йўл қўймаслигини, ҳисоб рақам фақат раҳбарнинг бевосита иштирокида очилишини, “ИМО-Change” МЧЖ номли корхонани ҳозирги вақтда эслай олмаётганлигини, мазкур жамият у фаолият юритган банкда ҳисоб рақам очган очмаганлигини ҳам аниқ айта олмаслигини, унга тақдим этилган Миллий банк томонидан тақдим этилган “ИМО-Change” МЧЖнинг ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини кўриб чиққанлигини, ушбу жамият раҳбарини у Андижон шаҳар ДХМда учратиб қолгани, унга банкнинг қулайликлари ва авзалликлари ҳақида айтиб бергани, 2024 йил 29 май куни у банкка келиб ҳисоб рақам очгани бўйича аниқ тавсилотлар ёдида йўқлигини, “ИМО-Change” МЧЖнинг раҳбарини Андижон шаҳар ДХМга айнан нима мақсадда учрагани ва ушбу жамият айнан қаерда давлат рўйхатида ўтказилганлигини билмаслигини, ушбу шахсни кўрганида у қўлида жамият гувоҳномаси билан юрган бўлганлигини, уни олдига бориб, банкнинг авзалликлари ҳақида айтиб бергани, “ИМО-Change” МЧЖнинг раҳбарини икки маротаба кўргани, шундан биринчи маротаба Андижон шаҳар ДХМда иккинчи маротаба банкда ҳисоб рақам очиш жараёнида расмини кўриб таниб олиши мумкинлигини, юридик шахсларга бевосита раҳбарнинг иштирокисиз ҳисоб рақам очилмаслигини, “ИМО-Change” МЧЖга ҳисоб рақам очилиш жараёнида ҳам жамиятнинг бевосита раҳбари иштирок этгани, унга тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Электрон технологиялари ривожлаштириш марказининг 2025 йил 15 март кунги 488/25-сонли экспертиза хулосаси билан тўлиқ танишиб чиққани, “ЎзМиллийбанк” АЖда комплекс хизмат кўрсатишга оммавий оферта шартномаси аксепти тўғрисидаги 2024 йил 29 майдаги аризининг “Rahbar”, “Bosh hisobchi”, “Arizani qabul qildi” графаларида ҳамда ҳисоб-варақ эгаси “ИМО-CHANGE МЧЖ”нинг “Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча” номли бланканинг “Hisob-varaq egasi”, “Manzil”, “BOSHQA BELGILAR” қаторларида, жадвалнинг “Familiyasi, ismi, otasining ismi” қаторларида бажарилган ёзувлар” номли ҳужжатдаги ёзувлар унга тегишли эканлигини, ҳисоб варақа очилиш жараёнида ушбу ҳужжатлар оператор томонидан тўлдирилишини, ҳисоб рақам очилаётган тадбиркорлик субъекти раҳбарини фуқаролик паспорти асли, жамият гувоҳномаси ва жамият низомининг асли олиниб, сканнер қилинишини ва онлайн тизимга жойлаштирилишини, ушбу ҳужжатлардан нусха кўчирилиб тадбиркорлик субъектининг йиғма жилдига тикиб қўйилишини, ҳисоб варақ очилиш жараёнида у тадбиркорлик субъекти раҳбаридан мазкур жамият директори ва бош бухгалтери ҳақида сўраганлигини, жамият директори ва бош ҳисобчи ўзи эканлигини айтганлигини, жамият раҳбарига имзо учун юқоридаги ҳужжатларни тақдим этганлигини, “Imo-Change” МЧЖнинг ҳисоб рақами очилиши жараёнида мазкур жамият раҳбари томонидан имзоланган ҳужжатлар бевосита унинг иштирокида, банкнинг маъмурий биносида жамият раҳбарининг иштирокида амалга оширилганлигини, “Imo-Change” МЧЖга ҳисоб рақам очилиш жараёнида у мазкур жамият раҳбаридан фуқаролик паспортини талаб қилиб олганлигини, унга фуқаролик паспортини тақдим этган шахс ҳақиқатдан ҳам А.Ўктамов эканлигини, паспортига қараб текшириб кўргани, тадбиркорлик субъектлари ҳисоб рақам очиш жараёнида уларнинг



рахбарларидан фуқаролик паспортини талаб қилиб олиш ва уларни шахсига аниқлик киритиш уни хизмат вазифаларига киришлигини, Х.Ахмедовни танимаслигини, юқорида қайд қилиб ўтилган графалардаги “ЎзМиллийбанк” АЖда комплекс хизмат кўрсатишга оммавий оферта шартномаси аксепти тўғрисидаги 2024 йил 29 майдаги аризанинг “Rahbar”, “Bosh hisobchi”, ҳисоб-варақ эгаси “IMO-CHANGE МЧЖ”нинг “Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча” номли бланкнинг “Hisob-varaq egasi”, “Manzil”, “BOSHQA BELGILAR” қаторларида, жадвалнинг “Familiyasi, ismi, otasining ismi” қаторлари аслида мижоз томонидан тўлдирилиши белгиланганлигини, ушбу графаларни тўлдириш уни хизмат вазифасига кирмаслигини, мижозларга қулайлик яратиш мақсадида ушбу графалар операторлар томонидан тўлдирилиб, фақат имзо учун мижозга тақдим этилишини, ҳужжатлар расмийлаштирилганидан сўнг ҳисоб рақам очилган ҳисобланишини тадбиркорлик субъекти томонидан ҳисоб рақам очилганидан сўнг у томонидан банк айланмаларини амалга ошириш имконияти мавжуд бўлишлигини, МЧЖ учун банк ҳисоб варақасини очиш учун жамият раҳбари номидан бошқа шахс имзо чекиш учун комплекс хизмат кўрсатишга оммавий оферта шартномаси аксепти тўғрисидаги аризага ва мурожаат этувчи ҳисоб-варақ эгасининг “Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча” номли бланкага мазкур жамиятга алоқаси бўлмагани, имзо чекиш учун ҳамда юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни тузиш ва имзолаш учун ишончномаси бўлмаган шахс имзо чекиши мумкин эмаслигини, “ЎзМиллийбанк” АЖ да комплекс хизмат кўрсатишга оммавий оферта шартномаси аксепти тўғрисидаги 2024 йил 29 майдаги аризанинг “Rahbar”, “Bosh hisobchi”, ҳисоб-варақ эгаси “IMO-CHANGE МЧЖ”нинг “Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча” номли бланкани А.Ўктамовдан ташқари бошқа шахсга имзо учун бермаганлигини, ҳозирда дастлаб тергов органи томонидан қўйилган айбловга қисман иқрорлигини, яъни ҳужжатга имзо қўйган фуқаронинг шахсини аниқламасдан, бепарволикка йўл қўйгани, ҳозирда қилган ишидан пушаймондалигини, оилавий шароитини инобатга олиб унга нисбатан ЖПК 84-моддасининг тегишли бандини қўлланган ҳолда айблилиқ масаласини ҳал қилмасдан унга оид жиноят ишини тугатишни сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи Х.Шокиржонов (*унга оид қисми алоҳида иш юритувга ажратилиб қидирув эълон қилинган*) суд мажлисида айбига қисман иқрорлик билдириб, 2021 йил ёз ойларида Андижон шаҳар Наврўз савдо мажмуаси қурилишида Х.Ахмедов билан танишиб қолгани, у ҳам ишлаётган қурилишда уста ёрдамчиси бўлиб ишлагани, у билан 2-3 ой биргаликда ишлагани, у билан яқиндан танишиб қолгани, қурилиш тугаганидан кейин у бошқа ишга Х.Ахмедов эса бошқа ишга кетгани, Х.Ахмедов билан бўш вақтларида учрашиб гаплашиб туришгани, 2024 йил май ойларида Х.Ахмедов унга ўзига тегишли бўлган МЧЖ борлигини, ушбу МЧЖни сотмоқчилигини, бироқ унинг номида яна бошқа МЧЖлар борлиги ва уларнинг қарзи бўлганлиги учун сота олмаётганлигини, шунинг учун ушбу МЧЖсини сотгунича унинг номига ўтказиб туришни илтимос қилгани, шунда унга рад жавобини бергани, у бир неча мартаба илтимос қилиб, ушбу ҳолатда унга ҳеч нарса бўлмаслигини, МЧЖ уни номига ҳужжатлаштирилиб, бир ҳафтани ичида сотиб юборишини ва уни номидан чиқариб юборишини айтгани, у рози бўлиб, 2024 йил июнь



ойларида Х.Ахмедовнинг билан Андижон шаҳар Ягона ойна бўлими бориб, у ерда Х.Ахмедов унга нотаниш бўлган шахснинг номида бўлган “BOYNUSUN STROY” МЧЖни уни номига расмийлаштириб, у ерда МЧЖ гувоҳномасини олиб, бир нечта хужжатларга имзо қўйиб электрон калит расмийлаштиришгани, Х.Ахмедов таклифи билан МЧЖни уни номига расмийлаштирилиши ва сотиб юборилиши ҳолатида бирон бир моддий манфаатдор бўлмагани ва ундан ҳеч нима олмагани, шундан сўнг орадан бир кун ўтиб, Х.Ахмедов билан бирга Тошкент шаҳрига келиб, “Капиталбанк” бўлимига боришгани Тошкент шаҳрини яхши билмаслигини, аниқ қайси филиалга боришгани эсида йўқлигини, у ердан “BOYNUSUN STROY” МЧЖнинг иккиламчи ҳисоб рақамини очишгани, Х.Ахмедовдан нима сабабдан бу ерда ҳисоб рақами оилаётганлигини сўраганида, у МЧЖни ҳисоб рақами очилмаса, МЧЖ ёпилиб қолиши мумкинлигини, барибир ҳисоб рақамида пул айланмаслигини, ҳисоб рақами ишламаслигини айтгани, банк ходими ҳам ушбу ҳисоб рақами ишлаши учун у МЧЖнинг аввалги ҳисоб рақами очилган Қашқадарё вилоятига бориб, МЧЖ раҳбари сифатида рўйхатдан ўтказиб, ҳисоб рақамини ишлатиб келиши кераклигини айтгани, лекин Х.Ахмедов ҳисоб рақами ишлаши шарт эмаслигини, бари-бир МЧЖни сотиб юборишини айтгани сабабли хотиржам бўлиб, ўз уйига қайтиб кетгани, Қашқадарё вилоятига бормаган бўлса-да, ҳисоб рақам очилганидан сўнг орадан 2 кун ўтиб, бир нечта нотаниш телефон рақамларидан қўнғироқ қилишиб, “BOYNUSUN STROY” МЧЖнинг ҳисоб рақамига 200.000.000 сўм пул ўтказилганлигини, ушбу пул маблағларни орқага қайтариб беришини сўрашгани, шунда ҳайрон бўлиб, Х.Ахмедовга қўнғироқ қилиб, МЧЖ ҳисоб рақамига қанақадир пул маблағлари тушганлигини айтгани, Х.Ахмедов ҳеч нимадан хавотир олмаслигини, ўзи ҳамма ишларни ҳал қилишини айтгани, орадан 6-7 кун ўтиб, Х.Ахмедов билан бирга яна Тошкент шаҳрига келиб, “Капиталбанк” бўлимида “BOYNUSUN STROY” МЧЖнинг иккиламчи ҳисоб рақамини ёпишганлигини, ҳисоб рақамини ёпаётган вақтда банк ходими МЧЖ ҳисоб рақамига 800.000.000 сўм пул тушганлигини ва бу пуллар ҳисоб рақамидан ечиш имкони бўлмаганлигини, ундан банк ходими ушбу пулларни пул қўчирган МЧЖга қайтариш ҳақида ариза ёздириб олганлигини, шундан кейин нима ишлар бўлганлигидан ва “BOYNUSUN STROY” МЧЖнинг молиявий фаолиятдан хабари бўлмагани, “BOYNUSUN STROY” МЧЖ фаолияти юзасидан ўтказилган камерал солиқ текширувидан ва жамиятга ҳисобланган солиқ қарздорликлари бўйича ҳеч нимадан хабари йўқлигини, фирмани ишларига аралашмагани, фирмани электрон калити, муҳр, печат ҳамда уставлари Х.Ахмедовда сақлангани, МЧЖнинг юридик манзили сифатида кўрсатилган Тошкент шаҳар, Янгиҳаёт тумани Файзли МФЙ Райхон кўчаси Ф 03-1135-уйни билмаслигини, Х.Ахмедов билан охириги мартга 2024 йилнинг 23 октябрь куни Андижон шаҳар, Шимолий кичик даҳасида жойлашган Андижон давлат тиббиёт институти олдида кўришгани, унга Департамент ходимлари чақириваётганлигини айтгани, у ҳеч нимадан кўрқмаслигини ҳамма ишларни ўзи ҳал қилишини айтиб, тинчлантиргани, аниқланган солиқ қарздорликларни тўлашга имконияти ҳам шароити ҳам йўқлигини баён қилиб, кўрсатув бериб ўтган.

Фуқаровий даъвогар Т.Йўлдашев суд мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш



бўлими томонидан “Best City 1111” МЧЖ мансабдор шахслари солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолати юзасидан кўзғатилган жиноят иши юзасидан тайинланган хужжатли тафтишда мутахассис сифатида иштирок этганлигини, ушбу текшириш давомида “Best City 1111” МЧЖнинг 2024 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти ўрганилганлигини, ўтказилган хужжатли тафтишда қуйидагилар аниқланганлигини, хусусан, фойда солиғи тўғри ҳисобланиши ва тўланиши юзасидан текширув Солиқ кодексининг 12-бўлим, 42-51-боб, 294-363 моддаларига асосан ўтказилиб, жамият томонидан 2024 йил 1-ярим йиллик учун солиқ органларига тақдим этилган фойда солиғи ҳисоботида кўра жами даромадлари 28.429.022,3 минг сўмни (асосий фаолият тури бўйича 28.429.022,3 минг сўмни, бошқа даромадлар 0,0 минг сўмни), жами харажатлар 28.418.877,1 минг сўмни, шундан чегирилмайдиган харажатлар 0,0 минг сўмни, чегириладиган харажатлар 28.418.877,1 минг сўмни, солиқ солинадиган фойда -10.145,1 минг сўмни, имтиёзлар 0,0 минг сўм чегирилган ҳолда солиқ солинадиган база 10.145,1 минг сўмни ташкил этиб, белгиланган 15 фоиз ставкада юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 1.521,8 минг сўм ҳисобланганлигини, солиқ аудитида солиқ идоросидаги мавжуд маълумотлар базасидан олинган маълумотлар ва банк олинган маълумотларга кўра, жамиятни солиқ даври 2024 йил январь-июнь ойларида жами даромадлар 49.979.650,5 минг сўмни (электрон ҳисоб вароқ фактура бўйича товарлар реализациядан соф тушум 28.518.308,0 минг сўмни, қолдиқда бўлиши лозим бўлган товар 21.461.342,5 минг сўм, валюта курси фарқидан даромадлар 0,0 минг сўмни, фоизлар кўринишидаги даромадлар 0,0 минг сўмни, молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари 0,0 минг сўмни), жами харажатлар 29.237.923,7 минг сўмни, шундан чегирилмайдиган харажатлар 0,0 минг сўмни, чегириладиган харажатлар 29.237.923,7 минг сўмни, солиқ солинадиган фойда 20.741.726,8 минг сўмни, имтиёзлар 0,0 минг сўм чегирилган ҳолда солиқ солинадиган база 20.741.726,8 минг сўмни ташкил этиб, белгиланган 15 фоиз солиқ ставкасида 3.111.259,0 минг сўм юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоблангани, солиқ аудити якуни билан фойда солиғига 3.109.737,2 минг сўм қўшимча тўловга ҳисобланганлигини, қўшилган қиймат солиғи тўғри ҳисобланиши ва тўланиши юзасидан солиқ аудити Солиқ кодексининг 31-39-боб, 237-282 моддаларига асосан ўтказилиб, солиқ тўловчи томонидан солиқ органига 2024 йил январь-июль ойлари учун топширган ҳисоб-китобида, солиқ давридаги товарларни (иш, хизмат) реализация қилиш айланмалари жами 28.518.308,0 минг сўмни ташкил этиб (текширишда электрон ҳисоб вароқ фактура билан реализация қилинган 4.147.710,7 минг сўм товар моддий қийматликлар расмийлаштирилмаган (кирим қилинмаган) товарларни реализация қилинганлиги аниқланди), шундан товарларни (иш, хизмат) реализация қилишдан соф тушум 28.518.308,0 минг сўмни ва бошқа даромадлар суммаси 0,0 минг сўмни, ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база 28.518.308,0 минг сўмни кўрсатиб, бунга нисбатан белгиланган 12 фоиз солиқ ставкада 3.422.196,9 минг сўм ҚҚС ҳисобланганлигини, шунингдек, мол етказиб берувчилардан сотиб олинган 29.237.923,7 минг сўм маҳсулотлар, хизматлар учун тўланган ҚҚС суммаси 3.508.257,2 минг сўм, ҳисобга олинмайдиган ҚҚС суммаси 21.574,7 минг сўм, ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси 3.486.682,5 минг



сўм кўрсатилиб, ҳисобланган 3.422.196,9 минг сўм ҚҚСдан чегирилган ҳолда бюджетдан камайтириш учун 64.485,6 минг сўм ҚҚС ҳисобланганлигини, жамиятда ўтказилган текширишда жамият томонидан расмийлаштирилган электрон ҳисобвароқ фактуралари бўйича реализация қилинган сумма 28.518.308,0 минг сўмни ташкил этиб, текшириш кунида ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд бўлмаган товар моддий қийматликлари суммаси 21.461.342,5 минг сўм эканлиги аниқланиб, жамиятнинг текширишга жалб қилинган даври учун жами реализацияси 49.979.650,5 минг сўмлиги аниқланиб, 12 фоиз солиқ ставкасида 5.997.558,1 минг сўм ҚҚС ҳисобланганлигини, текширишда маҳсулот етказиб берувчилардан сотиб олинган 29.237.923,7 минг сўм маҳсулотлар, хизматлар учун тўланган ҚҚС суммаси 3.508.257,2 минг сўм, ҳисобга олинмайдиган ҚҚС суммаси 21.574,7 минг сўм, ҳисобга олинмайдиган ҚҚС суммаси 3.486.682,5 минг сўмлиги аниқланиб, ҳисобланган 5.997.558,1 минг сўм ҚҚСдан чегирилган ҳолда бюджетга қўшимча тўлов учун 2.510.875,6 минг сўм ҚҚС ҳисобланганлигини, оддий тилда айтганда, “Best City 1111” МЧЖ мансабдор шахслари қайд этилган даврда жами 49.979.650,5 минг сўмлик маҳсулотларни реализация қилиб, мазкур реализация қилинган маҳсулотларнинг 110 хил турдаги умумий қиймати 4.147.710,7 минг сўмлик маҳсулотларнинг жамият балансига кирим қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмагани сабабли Солиқ кодексининг 299-моддасига асосан текинга, яъни “0” сўм қийматда олинган маҳсулот сифатида баҳоланиб, шундан 15 фоиз ставкада жами 622.156,6 минг сўм қўшимча фойда солиғи ҳисобланганлигини, шунингдек, 623 хил турдаги 16.594.016,0 минг сўмлик кирим ҳужжатлари мавжуд бўлган маҳсулотларнинг реализациясидан олинган фойда жами 2.489.104,4 минг сўмни ташкил этиб, солиқ ҳисоботларида акс эттирилмагани сабабли, 2.489.104,4 минг сўм қўшимча фойда солиғи ҳисобланганлигини, шунингдек, кирим ҳужжатлари бор умумий қиймати 21.461.342,5 минг сўмлик 269 хил турдаги маҳсулотларни чиким ҳужжатларини расмийлаштирмасдан реализация қилишгани натижасида 12 фоиз ставкада 2.575.361,1 минг сўмлик қўшимча қўшилган қиймат солиғи келиб чиққани, яъни қолдиқда бўлиши лозим бўлган 21.461.342,5 минг сўмлик 269 хил турдаги маҳсулотлар омборхонада мавжуд бўлмагани тушунилишини, “Best City 1111” МЧЖда ўтказилган солиқ аудити текшируви давомида қўшимча аниқланган 3.111.259 минг сўм фойда ва 2.575.361,1 сўм ҚҚС айнан Ўктамов Абдураҳим Рустамбек ўғлининг раҳбарлиги даврига тўғри келганлигини, ҳақиқатдан ҳам у томонидан ўтказилган солиқ аудити текшируви якуни бўйича тузилган далолатномада “Best City 1111” МЧЖнинг 2024 йилдаги фаолиятида 3.232.614,2 минг сўм фойда ва 2.510.875,6 минг сўм ҚҚС қўшимча ҳисобланганлиги қайд этилганлигини, ушбу қўшимча суммаларни ҳисоблашда у техник сабабларга кўра хатоликка йўл қўйганлигини (Еҳел дастурида хатолик вужудга келган), ҳозирда бераётган кўрсатмаларида эса хатолар қайта текширилиб, бартараф этилиб, аниқ суммани ҳақида маълум қилаётганлигини, яъни “Best City 1111” МЧЖнинг 2024 йилдаги фаолиятида 3.111.259 минг сўм фойда ва 2.575.361,1 сўм ҚҚС қўшимча ҳисобланганлигини, дастлабки тергов органидан “Best City 1111” МЧЖ мансабдор шахсларининг жиноий қилмиши натижасида етказилган жами 5.685.098,3 минг сўмлик моддий зарар



етказилгани, ушбу пул маблағларидан 1.395.315.900 сўми бюджетга ундирилганлигини инобатга олиб, қолган 4.289.782.400 сўм пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилик бошқармасининг СТИР: 201122919, МФО: 00014, Х/р 23402000300100001010 рақамига ундириб, судланувчига нисбатан қонуний чора кўриб берилишини сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ А.Саидов суд мажлисида, 2020 йил 29 июнь кунидан ҳозирга қадар "Asr Savdo-Max" МЧЖ раҳбари лавозимида фаолият юритиб келаётгани, раҳбар бўлган корхонанинг асосий фаолият тури, Андижон вилояти Избоскан туманида жойлашган боғча Миллий гвардия Андижон вилояти бўйича бошқармасида озиқ овқат таъминоти билан шуғулланиб келишлигини, "Best City 1111" МЧЖ билан 2024 йил 31 май куни 55-сонли шартнома расмийлаштирилгани, қайд қилиб ўтилган шартнома бўйича, 2024 йил 31 май кунги 32-сонли ҳисоб варақа фактурага кўра ҚҚС билан 80.000.000 сўмлик турли ҳилдаги озиқ овқат маҳсулотлари харид қилинганлигини, мазкур маҳсулотлар Андижон шаҳрида жойлашган Жаҳон бозоридан харид қилингани, шартнома бўйича ўзаро келишув Х.Ахмедов билан амалга оширилгани, 2024 йил 31 май кунги 55-сонли шартномага асосан "Best City 1111" МЧЖдан жами 80.000.000 сўмлик турли ҳилдаги озиқ овқат маҳсулотлари Х.Ахмедов томонидан "Damas" русумли автомашинада унга етказиб берилганини баён қилиб, кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Б.Курбанов суд мажлисида, 2022 йилдан 2024 йилнинг май ойига қадар "BEST CITY 1111" МЧЖ раҳбари бўлганлигини, 2024 йил 7 май куни, унга олдиндан таниш бўлмаган фуқаро кейинчалик билиши бўйича Х.Ахмедов кўнғироқ қилиб, унга фирма кераклигини айтганлигини, уни харид қилиш истаги борлигини, сўнг ҳақиқатдан ҳам "Best city 1111" МЧЖ номли жамият борлигини, ушбу жамиятни солиқ органларидан 2.000.000 3.000.000 сўм атрофида қарзи мавжудлигини, ушбу қарзини ёпиб, ўзининг номига ўтказиб олиб фойдаланиши мумкинлигини, 2024 йил 10 май куни Хаж сафарига кетаётгани сабабли, 2024 йил 9 май куни Тошкент шаҳрида бўлиши зарурлигини, шу сабабли тезроқ ҳужжатларни тайёрлашини айтгани, 2024 йил 8 май куни "Best city 1111" МЧЖни таъсисчилиги олиш истагини билдирган Х.Ахмедов билан Андижон шаҳри Адлия бўлими давлат хизматлар агентлиги ёнида кўришгани, у билан ўзаро суҳбатлашиб, Х.Ахмедовга такроран ҳужжатларни тез тайёрлашини, у кетиши зарурлигини, бунга Х.Ахмедов рози бўлгани, Х.Ахмедов билан учрашганда жамиятнинг муҳрини Х.Ахмедовнинг қўлига бериб кетгани, шу куннинг ўзида 2-3 соатдан кейин, фирмани олиш истаги борлигини, Х.Ахмедов унга кўнғироқ қилиб, ҳужжатлар тайёрлигини, у Давлат хизматлар агентлигига бориб, ҳужжатларга имзо қўйиши мумкинлигини айтгани, Х.Ахмедовнинг кўрсатмасига кўра, бирон-бир электрон навбат олмасдан давлат хизматлар марказининг иккинчи қаватига чиқиб, ДХМ ходимига учрашиб, ушбу мутахассис томонидан унга тақдим этилган барча ҳужжатлар, жамиятни олди-сотдиси билан боғлиқ ҳужжатларга имзо қўйиб, ҳужжатларни марказ ходимига ташлаб кетгани, "Best city 1111" МЧЖ бўйича улушни сотиш бўйича ҳужжатлар айнан ким томонидан тайёрланганлигини билмаслигини, жамият олди-сотдиси (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида А.Ўктамов иштирок этмаганлигини, қолаверса, у олди сотди бўйича



ҳужжатларга имзо қўйиш вақтида, ундан жамиятни харид қилаётган А.Ўктамовни имзоси мавжуд бўлмаганини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи Х.Ахмедов ва М.Зокироваларнинг айби судда текширилган далиллар шу жумладан жиноят ишининг бир қисмини алоҳида иш юритувга ажратиш ва иш юритувга олиш ҳақида қарор (1-жилд и.в. 1-3), солиқ аудити далолатномаси ва тўпланган ҳужжатлар (1-жилд и.в. 159-267), судга оид хатшунослик экспертизасини тайинлаш тўғрисида қарор ва уни хулосаси ҳамда тўпланган бошқа ҳужжатлар (4-жилд и.в. 1-46), ҳужжатларни ёзма ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақида қарор (4-жилд и.в. 222-224), камерал солиқ тукшируви натижалари юзасидан хулоса (1-жилд и.в. 15-17, 3-жилд и.в. 13-14), тушунтириш хатлари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, шу жумладан судда кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ М.Назаров, А.Холматов, А.Махмудов, Д.Джабборов, А.Ўктамов, А.Баходиров, Ў.Эгамбердиев, Ҳ.Шокиржонов ва О.Ғуломовларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланади.

Суд, Х.Ахмедов ва М.Зокироваларни содир этган жиноий ҳаракатлари квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, судланувчи Х.Ахмедовни жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 189-моддасининг 1-қисми, 184-моддасининг 3-қисми, 228-моддасининг 3-қисми ва 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 184-моддасининг 3-қисми ва 189-моддасининг 1-қисми билан, судланувчи М.Зокировани жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан дастлабки тергов органи томонидан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ судланувчи Х.Ахмедовнинг қилмиш жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 179-моддаси билан ортиқча малакаланган, чунки Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида” ги 11-сонли қарорининг 14-бандида “Сохта тадбиркорлик тўғрисидаги (ЖКнинг 179-моддаси) ишларни кўришда шахснинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга оширмай туриб ноқонуний кредитлар олиш, солиқлардан озод бўлиш, эгаллашга ҳуқуқи бўлмаган бошқа мулкӣ фойдани олиш мақсадини кўзлаганлиги ҳисобга олиниши лозим. Бундай мақсаднинг аниқланиши шахснинг ҳаракатини Жиноят кодексининг 179-моддаси ҳамда талон-торож қилишга суиқасд қилиш ва солиқ тўловлари тўлашдан бўйин товлаш ва ҳоказолар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари мажмуи билан тавсифлаш учун асос бўлиши мумкин. Бу ўринда судлар ушбу қонун меъерининг мақсади хўжалик айланма маблағининг ишончлилигини таъминлашдан, бозорда фаолият олиб бориш қоидаларини кўриқлашдан, жамият, давлат, фуқаронинг иқтисодий манфаатларини муҳофазалашдан, жумладан, уларга солиқ ва кредит соҳаларида мулкӣ зарар етказилишидан ҳимоялашдан иборат эканлигини эътиборга олишлари керак” деб кўрсатилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги “Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалари тўғрисида”ги 20-сонли қарорининг 7-бандида “Қонунга хилоф равишдаги тадбиркорлик фаолияти, одатда, тадбиркорлик фаолиятини қуйидаги кўринишларда:



рўйхатдан ўтмасдан;
махсус рухсатнома (лицензия) олмасдан;
лицензия олиш қоидаларини бузган ҳолда амалга оширишда
ифодаланиши мумкин.

Рўйхатдан ўтмасдан қонунга ҳилоф равишда тадбиркорлик фаолиятини юритиш деганда, юридик шахслар давлат реестрида ва якка тадбиркорлар давлат реестрида бундай юридик шахс тузилганлиги ёки жисмоний шахс томонидан якка тартибдаги тадбиркор мақоми олинганлиги ҳақида ёзув мавжуд бўлмаган ёхуд юридик шахс ёки жисмоний шахснинг якка тартибдаги тадбиркор сифатидаги фаолияти тугатилганлиги ҳақида ёзув мавжуд бўлган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тушунилади.

Махсус рухсатнома (лицензия) олмасдан қонунга ҳилоф равишда тадбиркорлик фаолиятини юритиш деганда, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ лицензияловчи органнинг махсус рухсатномаси олиниши талаб этиладиган тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан бундай рухсатномага эга бўлмаган ҳолда шуғулланиш тушунилади. Лицензия, унда кўрсатилган фаолият турини белгиланган муддат мобайнида амалга оширишга рухсат берадиган, шунингдек мазкур фаолиятни амалга ошириш шароитларини белгилайдиган расмий ҳужжат ҳисобланади.

Лицензиялаш шартларини бузган ҳолда қонунга ҳилоф равишда тадбиркорлик фаолиятини юритиш деганда, жумладан, ишлаб чиқарилаётган ва реализация қилинаётган маҳсулотга қўйиладиган талабларга риоя этмаслик (масалан, маҳсулотнинг яроқлилиқ муддати ва ишлаб чиқарилган санасини кўрсатиш мажбурийлиги тўғрисидаги шартлар), лицензияланаётган фаолият турини амалга оширишга нисбатан қўйилган техник талабларга риоя қилмаслик (масалан, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган санитария-гигиена шароитларининг мавжуд эмаслиги), фаолиятни лицензияда кўрсатилган ҳудуддан ташқарида амалга ошириш тушунилади” деб кўрсатилган.

Ушбу юқорида келтириб ўтилган Пленум қарорлари талабларидан келиб чиқиб жиноят ишига алоқадор МЧЖ лар давлат хизматлари марказидан рўйхатдан ўтгандан сўнг тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун махсус рухсатномаларни олган. Ўз фаолияти давомида рухсатномада кўрсатилган фаолият тури билан шуғулланиб, савдо қоидаларини жуда кўп миқдорда бузган ва жуда кўп миқдорда солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаган. Бу ҳолатлар бўйича ЖКнинг бошқа моддалари билан айб эълон қилинган.

Ушбу ҳолатда Х.Ахмедовнинг қилмиш жиноий ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 179-моддасини чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 468-моддасига кўра, айблов ҳукмининг қарор қисмида жиноят кодексининг судланувчининг айбли деб эътироф этилишига асос бўлган моддаси (модданинг қисми, банди) кўрсатилади.

Шу сабабли суд судланувчининг жиноий қилмишидан ортиқча қисм ва банд чиқариб юборилганлик, қайта малакаланганлик ҳолатини ҳукмнинг тавсиф қисмида келтириб ўтиш билан чегараланиб, ҳукмнинг қарор қисмида мазкур ҳолатларни кўрсатмасликни лозим топади.



Ўзбекистон республикаси ЖКнинг 33-моддасида “Ушбу Кодекс [Махсус қисмининг](#) турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади.

Агар шахс содир этган қилмишда ушбу Кодекс [Махсус қисми](#) айти бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади” деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши кўрсатилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги қарори 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига мувофиқ бўлиши кераклиги таъкидланганлигини инобатга олишни лозим топади.

Суд, судланувчи Х.Ахмедовга жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 189-моддасининг 1-қисми билан модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлар жазоси, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлар жазоси, 228-моддасининг 3-қисми билан модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлар жазоси, 184-моддасининг 3-қисми билан модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖК 60,61-моддалари тартибида илгариги ҳукм билан тайинланган жазони ўталмай қолган қисмини мазкур ҳукм билан тайинланаётган жазога қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони ўташ муддатини 2024 йил 10 декабрдан бошлаб ҳисоблаб, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташтиришни;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги қарори 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига



қатъий амал қилишга қаратилиши, 2-бандида “Судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англатмайди. Шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим”лиги таъкидланганлигини инобатга олиб, суд, судда аниқланган ҳолатларга кўра судланувчи М.Зокировани яшаш ва иш жойидан шахсини ижобий тавсифлангани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, аёллигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлари мавжуд эмас деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 37-бандидаги раҳбарий тушунтиришларига таянган ҳолда, уни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этгани, муқаддам судланмагани, аёл киши экани, оилавий шароитини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлик билдирганлик ҳолатларини инобатга олиб, ҳозирда М.Зокировани ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган деб топиб, Жиноят кодексининг 70-моддасига асосан жазодан озод қилишни лозим топади.

Суд етказилган зарар ва ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, судланувчи Х.Ахмедовдан “Best City 1111” МЧЖ бўйича Андижон вилоят ДСБ фойдасига 4.289.782.400 (тўрт миллиард икки юз саксон тўққиз миллион етти юз саксон икки минг тўрт юз) сўм моддий зарарни ундиришни;

- судланувчи Х.Ахмедовдан “Boynusun story” МЧЖ бўйича Андижон вилоят ДСБ фойдасига 908.797.840 сўм моддий зарарни ундиришни;

- судланувчи Х.Ахмедовдан “Qarshi-Stroy Market” МЧЖ бўйича Андижон вилоят ДСБ фойдасига 2.338.544.404 сўм моддий зарарни ундиришни;

- судланувчи Х.Ахмедовдан “Yevro Qurilish Palace” МЧЖ бўйича Андижон вилоят ДСБ фойдасига 261.549.502 сўм моддий зарарни ундиришни;

судланувчи Х.Ахмедовдан “Zamin Qurilish Resort” МЧЖ бўйича Андижон вилоят ДСБ фойдасига 452.479.764 сўм жами 3.961.371.510 (уч миллиард тўққиз юз олти миш бир миллион уч юз етти миш бир минг беш юз ўн) сўм моддий зарарни ундиришни;

Депозит ҳисобрақамига топширилган 1.395.315.900 пул маблағлари А.Ўктамовга оид жиноят иши доирасида “Best City 1111” МЧЖ нинг солиқдан бўлган қарздорлигини қоплаш учун Андижон вилоят ДСБ фойдасига ўтказиб берилганини инобатга олишни;

- ёзма ашёвий далил деб эътироф этилган “Best City 1111” МЧЖ томонидан солиқ органларига топширилган ҳисоботлари, “Best City 1111” МЧЖ томонидан бошқа тадбиркорлик объектлари билан ўзаро тузилган шартномага асосан яратилган кирим ва чиқим ҳисоб варақа фактуралари, “Best City 1111” МЧЖнинг “Капиталбанк” ҳамда “Imo-change” МЧЖнинг “O`zmilliybank” АЖдаги ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами, банк айланмаларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга қўшиб сақлашни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 472, 473- моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ахмедов Хайитбек Хайрулло ўғли (Axmedov Hayitbek Hayrullo o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК Ўзбекистон Республикаси ЖК 189-моддасининг 1-қисми, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддасининг 3-қисми ва 184-моддасининг 3-қисми билан айбли деб топилсин.

Х.Ахмедовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 189-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлар жазоси;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлар жазоси;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлар жазоси;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддасининг 3-қисми билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан 4 (тўрт) йил 5 (беш) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 60,61-моддалари тартибида Х.Ахмедовга илгариги ҳукм билан тайинланган жазони ўталмай қолган қисмини мазкур ҳукм билан тайинланаётган жазога қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 4 (тўрт) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Х.Ахмедовга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 10 декабрдан бошлаб ҳисобланиб, жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Зокирова Махлиёхон Улугбек қизи (Zokirova Maxliyoxon Ulugbek qizi) Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбдор деб топилсин.

Зокирова Махлиёхон Улугбек қизи Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

М.Зокировага нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Судланувчи Х.Ахмедовдан “Best City 1111” МЧЖ бўйича Андижон вилоят ДСБ фойдасига 4.289.782.400 (тўрт миллиард икки юз саксон тўққиз миллион етти юз саксон икки минг тўрт юз) сўм моддий зарар ундирилсин.

- судланувчи Х.Ахмедовдан “Boynusun story” МЧЖ бўйича давлат фойдасига 908.797.840 сўм моддий зарар ундирилсин.

- судланувчи Х.Ахмедовдан “Qarshi-Stroy Market” МЧЖ бўйича давлат фойдасига 2.338.544.404 сўм моддий зарар ундирилсин.



- судланувчи Х.Ахмедовдан “Yevro Qurilish Palace” МЧЖ бўйича давлат фойдасига 261.549.502 сўм моддий зарар ундирилсин.

судланувчи Х.Ахмедовдан “Zamin Qurilish Resort” МЧЖ бўйича давлат фойдасига 452.479.764 сўм, жами 3.961.371.510 (уч миллиард тўққиз юз олтмиш бир миллион уч юз етмиш бир минг беш юз ўн) сўм моддий зарарни ундирилсин.

Депозит ҳисобрақамига топширилган 1.395.315.900 пул маблағлари А.Ўктамовга оид жиноят иши доирасида “Best City 1111” МЧЖ нинг солиқдан бўлган қарздорлигини қоплаш учун Андижон вилоят ДСБ фойдасига ўтказиб берилгани инобатга олинсин.

Ёзма ашёвий далил деб эътироф этилган “Best City 1111” МЧЖ томонидан солиқ органларига топширилган ҳисоботлари, “Best City 1111” МЧЖ томонидан бошқа тадбиркорлик объектлари билан ўзаро тузилган шартномага асосан яратилган кирим ва чиқим ҳисоб варақа фактуралари, “Best City 1111” МЧЖнинг “Капиталбанк” ҳамда “Imo-change” МЧЖнинг “O`zmilliybank” АЖДаги ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами, банк айланмалари жиноят иши ҳужжатлари билан бирга қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчилар ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу туман суди орқали Андижон вилоят суди жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

У.Шералиев

Маъсул судья: Шералиев Улуғбек Қодирович

